# I. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2017 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15254 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,0 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 51,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 954,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 79,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 612,2 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 157,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1859,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 24,2 фоизи) ёки 2016 йилнинг январ-сентябрига нисбатан 88,3 фоизни ташкил қилди;

-3712,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизи) ташкил қилди.

- 827,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 14,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 111,3 фоизни ташкил қилди;

- 937,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 48,0 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январ-сентябрига нисбатан 113,7 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,8 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 93,2 улуши), йўловчи айланмасининг эса 107,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 93,8 улуши) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,4 фоизи ёки 4613,7 млрд. сўми (ўсиш 101,7 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 68,3 фоизи ёки 2531,0 млрд. сўмни ташкил қилди;

36,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*2017 йил январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*




**2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича**

| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм* | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3712,5 | 99,2 |
| Саноат | 1859,4 | 3,6 |
| Қурилиш | 937,6 | 18,6 |
| Чакана савдо | 4613,7 | 86,4 |
| Юк ташиш, *млнтн.* | 34,8 | 65,7 |
| Йўловчи ташиш, *млн.киши* | 364,8 | 95,0 |
| Экспорт, *млн. АҚШ долл.* | 36,6 | 26,9 |
| Импорт, *млн. АҚШ долл.* | 36,2 | 13,4 |

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*

